



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 15 » may

№ 243

Toshkent sh.

Ёқилғи-энергетика ресурслари нархларини белгилаш тўғрисида

Сўнгги йилларда жаҳонда юз бераётган геосиёсий зиддиятлар ва кескинликлар, глобал иқтисодиётдаги, шу жумладан, халқаро нефть бозоридаги узоқ муддатли ноаниқликлар ва халқаро юк ташишлар бозори конъюктурасининг ўзгариши шароитида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли таъминлаш, шунингдек, ёқилғи-энергетика корхоналари молиявий ҳолатини барқарорлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ёқилғи-энергетика ресурсларининг 2026 йил 1 июндан кучга кирадиган нархлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Энергетика вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ ёқилғи-энергетика ресурсларининг жорий этилаётган янги нархларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, юридик ва жисмоний шахсларга етказсин.

3. Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда нефть-газ ва энергетика соҳасини ривожлантириш, ёқилғи-энергетика ресурсларини етказиб бериш сифатини яхшилаш ва уларнинг нархлари ўзгаришига оид мавзулар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;

бир ой муддатда “Худудгазтаъминот” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда табиий газ ва электр энергиясини етказиб беришдаги йўқотишларни қисқартиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичларни белгилаган ҳолда, худудгаз таъминоти филиаллари ҳамда худудий электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) тасдиқласин.

Бунда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) бажаришда қолоқликка йўл қўйган раҳбарларга нисбатан қатъий молиявий ва интизомий жазо чораларини қўллаш инобатга олинсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги билан биргаликда тизимли равишда йирик тармоқ ва давлат корхоналарида бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) учун сарфланадиган ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш чораларини белгилаб борсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси 2026 йил 1 июлга қадар:

табiiй газ ва электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотиш тарифларини;

электр ва иссиқлик энергияси, шунингдек, табiiй газ истеъмолчилари ва улгуржи қайта сотувчилардан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин ва 2026 йил 1 июндан бошлаб кучга киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

FNO5878

FNO5878

FNO5

FNO5878

**Ёқилғи-энергетика ресурсларининг 2026 йил 1 июндан кучга кирадиган
янги нархлари**

Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)
I.	Электр энергияси		
1.1.	Истеъмолчиларнинг I ва II гуруҳлари		1 100
1.2.	Истеъмолчиларнинг III гуруҳи, шу жумладан аҳоли:		
1.2.1.	Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталар билан жиҳозланган кўп квартирали уйлар ва ётоқхоналарда яшайдиган маиший истеъмолчилар учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: ойига 200 кВт соатгача; ойига 201 кВт соатдан 500 кВт соатгача; ойига 501 кВт соатдан 1 000 кВт соатгача; ойига 1 001 кВт соатдан 5 000 кВт соатгача; ойига 5 001 кВт соатдан 10 000 кВт соатгача; ойига 10 001 кВт соат ва ундан юқори.	кВт соат	325 450 550 800 950 1 100
1.2.2.	Қолган маиший истеъмолчилар учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: ойига 200 кВт соатгача; ойига 201 кВт соатдан 500 кВт соатгача; ойига 501 кВт соатдан 1 000 кВт соатгача; ойига 1 001 кВт соатдан 5 000 кВт соатгача; ойига 5 001 кВт соатдан 10 000 кВт соатгача; ойига 10 001 кВт соат ва ундан юқори.		650 900 1 100 1 600 1 900 2 200
1.3.	Истеъмолчиларнинг IV гуруҳи		1 100
II.	Табийий газ		
2.1.	Барча истеъмолчилар учун (2.2.–2.4. бандлардан ташқари)		2 000
2.2.	Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари (шу жумладан, балансда автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари мавжуд бўлган юридик шахслар) учун	куб метр	2 750

Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)
2.3.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда):	куб метр	
	а) иситиш мавсуми* давомида бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: ойига 500 куб метргача; ойига 501 куб метрдан 2 500 куб метргача; ойига 2 501 куб метрдан 5 000 куб метргача; ойига 5 001 куб метрдан 10 000 куб метргача; ойига 10 001 куб метр ва ундан юқори.		1 100 2 000 2 300 2 700 3 300
	б) бошқа мавсум* давомида бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: ойига 100 куб метргача; ойига 101 куб метрдан 2 500 куб метргача; ойига 2 501 куб метрдан 5 000 куб метргача; ойига 5 001 куб метрдан 10 000 куб метргача; ойига 10 001 куб метр ва ундан юқори.		1 100 2 000 2 300 2 700 3 300
2.4.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда):		
	а) овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун		2 000
	б) иситиш учун		1 550

Изоҳ.

*) *Иситиш мавсуми (бошқа мавсум) Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган 2024 йил 1 майдан аҳоли учун электр энергияси ва табиий газ бир ойлик истеъмолининг базавий меъёрларини (2-илова) амал қилиши муддатлари билан белгиланади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 15 майдаги 243-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарорига 1-илованинг “I. Электр энергияси” қисмининг 1.1., 1.2., 1.2.1., 1.2.2. ва 1.3. позициялари, “II. Табiiй газ” қисмининг 2.1., 2.2., 2.3., 2.4., 2.5. ва 2.6. позициялари ҳамда изоҳининг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг босқичма-босқич ўзгариш графигига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” 2025 йил 31 мартдаги 194-сон қарорига илованинг 1 ва 2-бандлари чиқариб ташлансин.

